

НОЁБ БАЛИҚ ТУРЛАРИ НОРИН ДАРЁСИ БЎЙИДА ЕТИШТИРИЛЯПТИ

Инсон саломатлиги учун фойдали маҳсулотлар орасида балиқнинг алоҳида ўрни бор. Одам организмга зарур озуқа элементлари билан тўйинган балиқ маҳсулотлари жаҳоннинг кўплаб давлатларида энг кўп истеъмол қилинадиган егуликлардан бири ҳисобланади.



Мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда ушбу sanoat салоҳиятини ошириш, аҳоли таомномасини шу турдаги егуликлар билан бойитиш, соҳага инновацияларни жорий этиш, тоғолди ҳудудларда интенсив усулда балиқ етиштириб, экспорт ҳажмини кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида аҳолининг арзон ва сифатли балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондирилмоқда.

Мазкур соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига субсидия ва имтиёзлар берилиши туфайли ҳозир юртимиздаги 4 мингга яқин балиқчилик хўжалигида йилига 190 минг тонна балиқ етиштириляпти. Худудларда, айниқса, интенсив усулда балиқ парваришlash корхоналари сони ортиб бормоқда. Жумладан, 2019 йилда Наманган вилоятида балиқ етиштириш 6 минг 932 тоннани ташкил этган бўлса, жорий йилга келиб, бу кўрсаткич 20 минг тоннага етиши кутилмоқда.

Президентимиз 26 июнь куни Наманган вилоятига ташрифи чоғида Учкўрғон туманидаги ноёб балиқ турларини етиштиришга мўлжалланган ана шундай йирик корхоналардан бири — “DB Group Eco” фаолияти билан танишди.

ҚИЙМАТИ 40 МИЛЛИАРД СЎМГА ТЕНГ ЛОЙИҲА

Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1500 тонна бўлиб, бу ерда

Европа тажрибаси асосида интенсив усулда форель, лосось каби ноёб балиқ турларини етиштириш йўлга қўйилган.

Икра ва балиқ озуқаси Дания ҳамда Германиядан келтирилади. Асосан, чучук ва кислородга тўйинган сувларда яшайдиган, совуқсевар ушбу балиқ турларини етиштириш учун корхона ҳовузларига сув унга яқин жойдаги Норин дарёсидан қўйилади ва айланма оқим билан яна дарёнинг ўзига қайтади. Бунда ортикча сув ва энергия ресурси сарфланмайди.

Қиймати 40 миллиард сўмга тенг лойиҳа Президентимизнинг 2018 йилда вилоятга ташрифидан сўнг ишга туширилган эди. Ушанда тадбиркорларга ишни бошлаш учун 28 миллиард сўм банк кредити ажратилди. Ҳозир бу ерда 100 та иш ўрни яратилган.

— 2018 йилнинг май ойида давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифи вақтида лойиҳамиз тақдироти ўтказилган эди, — деди “DB Group Eco” корхонаси раҳбари Азиз Даминов. — Лойиҳа маъқул бўлгани боис, интенсив балиқ хўжалигини йўлга қўйишимиз учун 20 гектар ер майдони ажратилди. Уша йил охиригача 5 гектар майдонда ишлар бошлаб юборилди. 2019 йилнинг бошидан эса Даниядан балиқ увилдириқларини олиб келиб етиштиришга киришдик. Орадан бир ярим йил ўтгач, илк маҳсулотларимизни ола бошладик. Корхонада йилига 2 минг тонна форель балигини етиштириш кўзда тутилган бўлиб, ҳозир улар республиканинг йирик савдо тармоқларига етказиб берилляпти.

Халқ орасида хонбалиқ номи билан аталувчи форель балиғи ҳақиқатан ноёб тур бўлиб, унга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб катта. Шу боис, корхона фаолиятини янада кенгайтириб, йил охирига қадар кўшимча равишда 300 тонна балиқ экспорт қилишни режалаштирган. Бунинг учун корхона тасарруфидидаги 5 гектар жойда увилдириқ ва чавоқ етиштиришга мўлжалланган ёпиқ сув ҳавзалари ҳамда 66 та ҳовуз барпо этилган. Ҳар бир ҳовузда 10 минггача балиқ сақлаш мумкин. Шунингдек, тадбиркорлар келгусида яна бир камёб балиқ тури — осётрни ҳам интенсив усулда етиштиришни мақсад қилган. Асосан, Россияда етиштириладиган ушбу балиқ туридан дунёда энг қиммат маҳсулотлар қаторида турувчи қора икра ишлаб чиқариш мумкин.

КИЧИК ҲОВУЗДА 10 ТОННАГАЧА БАЛИҚ ЕТИШТИРИШ МУМКИН

Юртимизда балиқ етиштиришнинг интенсив усули оммалаштириляётгани бежиз эмас. Бу табиий усулда балиқ етиштиришга нисбатан анча тежамкор ва замонавий технология бўлиб, кичик майдондан кўп ҳосил олиш имконини беради.



Корхона мутахассисларининг айтишича, оддий ҳовузларда гектаридан 4-5 тонна балиқ олинса, интенсив усулдаги 5-6 сотихдаги ҳовуздан 10 тоннагача маҳсулот олиш мумкин. Бундан ташқари, уларда балиқларнинг катта бўлиш муддатини инсоннинг ўзи назорат қила олади. Бу ҳовуздаги сув ҳароратини керакли даражада ушлаб, сунъий равишда фасл алмаштириш ҳисобига йўлга қўйилади.

Мазкур ҳовузларга ҳосилдорликни оширишга хизмат қиладиган, кислород доимо етарли бўлишини таъминлайдиган азратор аппарати ўрнатилган. Балиқларнинг овқатланиш вақти ва рациони ҳам 24 соат давомида назоратда бўлади. Натижада балиқлар тез етилиб, маҳсулдорлик ортади. Форель ва лосось бошқа балиқлар каби мавсумий маҳсулот бўлмагани боис, ҳар ойда ҳосил олиш имкони мавжуд.

ЙИЛИГА 2 МИНГ ТОННА ТАЙЁР МАҲСУЛОТ

Балиқ увилдириқдан то товар ҳолатига етгунига қадар 1–1,5 йил парваришланади. Айни вақтда корхона ҳовузларида балиқ етиштириш билан бирга, 1 гектар ҳудудда қурилган қайта ишлаш цехида ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Бу ерда форель балиғи музлатилган, совуқ ва иссиқ дудланган, филе ва кам тузланган ҳолатда ички бозорларга чиқарилмоқда. Бир

йилда 2 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга цехнинг ўзида 30 киши доимий иш билан таъминланган.

Цехда маҳсулотлар энг замонавий усуналар ёрдамида қайта ишланади. Хориждан келтирилган охириги моделдаги универсал печда нафақат балиқ, балки исталган гўшт маҳсулотини дудлаш мумкин. Бир вақтнинг ўзида 2 тоннага яқин маҳсулотни минус 40 даражагача шок ҳолатида музлатадиган камералар эса атиги 2 соат ичида ўз вазифасини аъло даражада “яқунлайди”. Бу ерда маҳсулотлар 100 тонна сифимга эга музлатгич омборларида сақланади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳозир маҳаллий бозорларимизга тарқатилляпти. Тез орада уларни Сингапур, Россия, Хитой бозорларига чиқариш ва йиллик экспорт ҳажмини 2 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ: ҲОВУЗ СУВЛАРИ ИССИҚХОНАГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИ

“DB Group Eco” корхонасига фаолиятини янада кенгайтириб, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан кўшимча 50 гектар ер ажратилди. Бу ерда сингапурлик инвесторлар билан ҳамкорликда кўшма корхона ташкил этиш кўзда тутилган. Корхона раҳбарининг айтишича, ушбу ер майдонининг бир қисмига энг илғор технологиялар асосида тўлиқ автоматлаштирилган, интенсив усулдаги балиқ хўжалиги қурилса, бошқа қисмида гидропоника усулидаги замонавий иссиқхона барпо этилади.

— Гап шундаки, форель балиғи етиштириладиган ҳовузлардан чиқадиган сувдан қишлоқ хўжалиги ерларида фойдаланиш ниҳоятда яхши самара беради, — дейди Азиз Даминов. — Бундай сув минералларга бой бўлгани боис, ерга ортикча ўғит солишни талаб этмайди. Шу боис, биз ана шу сувдан самарали фойдаланиш ҳамда аҳоли дастурхонига сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришга ўз ҳиссамизни қўшиш мақсадида ажратилган ернинг бир қисмида иссиқхона қуришга қарор қилдик. Унда мавсумга қараб қулупнай, помидор, бодринг маҳсулотлари етиштирилади.

Президентимиз корхона фаолияти билан танишиш жараёнида балиқларнинг

таннархини пасайтириш бўйича бир қатор топшириқлар берди. “Бундай ноёб балиқ турлари аҳоли учун ҳамёнбоп бўлиши керак. Бунинг учун эса балиқ озуқаси ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш зарур. Таннарх тушса, бозори чаққон бўлади, одамлар дастурхонига балиқ етиб боради, тадбиркор ҳам фойда олади”, деди давлатимиз раҳбари.

Айни пайтда “DB Group Eco” каби балиқ етиштирувчи корхоналарнинг ноёб турдаги балиқлар озуқасини хориж давлатларидан келтиришга мажбур бўлаётгани балиқ маҳсулотлари таннархи ошишига сабаб бўляпти. Боиси, ноёб балиқлар, хусусан, форель учун сифатли озуқани нафақат бизда, балки МДҲ давлатларидан ҳам топиш қийин. Улар фақат Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилади.

— Балиқлар учун озуқа емини Нидерландиянинг бу борада энг етакчи ҳисобланган “Alltech Coppens” компаниясининг Германиядаги заводидан олиб келамиз, — дейди Азиз Даминов. — Президентимиз ем ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш мақсадида Учкўрғонда ана шу ем заводини қўшма корхона сифатида қуриш топширигини берди. Ҳозир корхона билан ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Тез орада қурилиш ишлари бошланиб, қўшма корхона 2022 йилда ишга туширилиши режалаштирилган. Айтиш жоизки, мазкур корхонанинг қурилиши кўплаб балиқ хўжаликларидаги озуқа еми билан боғлиқ муаммоларни бартараф этади.

Йиллик қуввати 10 минг тоннага тенг бўлган ем заводининг бир гектаридан 10 тонна маҳсулот олиш кўзланган. Қўшма корхона ишга тушгач, нафақат мамлакатимиздаги балиқ хўжаликларини сифатли ем билан таъминлаш, балки кўшни давлатларга маҳсулот экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Таъкидлаш керакки, Учкўрғон туманида қўлланиляётган балиқ етиштиришдаги бу замонавий тажриба Наманганнинг Мингбулоқ, Уйчи, Поп ва Норин туманларида ҳам турли шаклда татбиқ этилиб, 299 миллиард сўм қийматга эга 75 та янги лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири